



“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ  
МИЛЛИЙ БАНКИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИНГ  
24 – сонли баёни

Манзил: Ўзмиллийбанк Банк офиси, Тошкент  
шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уй.

2024 йил “14” июн  
Иш вақти: 15:00 – 16.45

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг ишчи органлари қуйидаги таркибда тузилди

Йиғилиш Раёсати: М.Норгитов.

Йиғилиш котиби: Т.Файзиев.

Санок комиссияси: А.Бахромов, А.Хабибуллаев, М.Юсупов

### КУН ТАРТИБИ

1. “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг йиллик умумий йиғилиши санок комиссияси таркибини тасдиқлаш;
2. “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;
3. “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг 2023 йил якунлари бўйича Бизнес-режа бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш;
4. “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти Банк гуруҳининг 2023 йил молиявий-хўжалик фаолияти натижалари бўйича консолидациялашган йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;
5. “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг 2023 йил натижалари бўйича Кузатув кенгаши ҳисоботини тинглаш;
6. “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти 2023 йил якунлари бўйича соф фойдасини тақсимлашни кўриб чиқиш;

7. “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш;

8. “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти устав капиталини ошириш.

9. “Winvestment Consult” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан 2023 йил якунлари бўйича ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш;

10. “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг ташкилий тузилмасига (структурасига) ўзгартириш киритиш.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 3 июлдаги 412-F/5-сонли Фармойиши талабларининг ижросини кўриб чиқиш.

*Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 май санасида қабул қилинган ЎРҚ-370-сонли “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 77-моддасига асосан Кузатув кенгашининг раиси акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилиши, кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга ошириши белгилаб қўйилган. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ кузатув кенгаши раиси ҳизмат сафаридалиги муносабати билан йиғилишга кузатув кенгашининг аъзоси М.Норгитов раислик қилиши белгилаб олинди.*

“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ (кейинги ўринларда – “Ўзмилийбанк” АЖ) акциядорларининг умумий йиғилишини Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Юридик хизмати бошлиғи Норгитов Мухитдин Жўрабосвич очди ва куйидагиларни маълум қилди.

Банк Кузатув кенгаши томонидан 24.05.2024 йилдаги 30 - сонли мажлис баёни билан Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунлар ҳамда “Ўзмилийбанк” АЖнинг Уставига мувофиқ, Банкнинг акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини 14.06.2024 йилда чақириш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда умумий йиғилишни ўтказиш вақти, жойи, кун тартиби тўғрисидаги хабар 2024 йил 24 майда Банкнинг расмий веб-сайти ва Корпоратив маълумотлар ягона порталида, шунингдек 2024 йил 28 майда “Правда Востока” газетасининг 103 – сониди ва 2024 йил 27 майдаги “Народное слово” газетасининг 102 – сониди жойлаштирилиб, акциядорларнинг электрон почта манзилларига (“e-xat” орқали) ўрнатилган тартибда юборилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 61-моддаси ҳамда Кузатув

кенгашининг қарорига биноан акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказилиши тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар рўйхатини тузиш санаси 2024 йил 10 июн куни этиб белгиланган.

Акциядорлар йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 2024 йил 25 май ҳолатига шакллантирилган.

2024 йил 10 июн ҳолатига банкнинг устав капиталли **15 476 078 265 000,00 (Ўн беш триллион тўрт юз етмиш олти миллиард етмиш саккиз миллион икки юз олтмиш беш минг)** сўми ташкил қилади ва у **15 476 078 265 (Ўн беш миллиард тўрт юз етмиш олти миллион етмиш саккиз минг икки юз олтмиш беш)** дона номинал қиймати **1000 (бир минг)** сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий акцияларни ташкил қилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг ваколатли эканлиги (*кворумга эга эканлиги*) бўйича сўз санок комиссияси раиси – А.Бахромовга берилди.

“Ўзмиллийбанк” АЖни акциядорларнинг реестрига кўра, санок комиссияси томонидан 2024 йил 10 июн ҳолатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга **15 476 078 265 (Ўн беш миллиард тўрт юз етмиш олти миллион етмиш саккиз минг икки юз олтмиш беш)** дона оддий акциялар эгаси бўлган **2 (икки)** та акциядор киритилганлиги маълум қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги – **6 302 365 423 (Олти миллиард уч юз икки миллион уч юз олтмиш беш минг тўрт юз йигирма уч)** дона (**40,72%**) оддий акциялар ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси – **9 173 712 842 (Тўққиз миллиард бир юз етмиш уч миллион етти юз ўн икки минг саккиз юз қирқ икки)** дона (**59,28%**) оддий акцияларга эгаллик қилади.

Акциядорлар рўйхатининг тўғри расмийлаштирилганлиги ва акциядорлар номидан умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган вакилларнинг ваколатлари тасдиқланди.

Санок комиссия акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишда иштирок этиш учун умумий овоз берувчи акцияларнинг **15 476 078 265** донасига ёки **100,0** фоизига эгаллик қилувчи 2 нафар акциядор (*уларнинг вакиллари*) рўйхатдан ўтганлиги ва умумий йиғилиши ваколатли, яъни кворум мавжудлигини маълум қилди.

Йиғилишга раислик қилувчи М.Норғитов “Ўзмиллийбанк” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини очиқ деб эълон қилди ва йиғилишда банк акциядорлари, Банк бошқарув аъзолари ва банкнинг барча департамент директорлари иштирок этаётганлиги тўғрисида маълум қилди.

**Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:**

1. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини санок комиссиясини тасдиқлаш.

2. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини регламентини тасдиқлаш.

3. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг 2023 йил якунлари бўйича Бизнес-режа бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш;

4. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти Банк гуруҳининг 2023 йил молиявий-хўжалик фаолияти натижалари бўйича консолидациялашган йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;

5. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг 2023 йил натижалари бўйича Кузатув кенгаши ҳисоботини тинглаш;

6. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг 2023 йил якунлари бўйича соф фойдасини тақсимлашни кўриб чиқиш;

7. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг кўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш;

8. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг устав капиталини ошириш;

9. “Winvestment Consult” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан 2023 йил якунлари бўйича ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш;

10. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг ташкилий тузилмасига (структурасига) ўзгартириш киритиш;

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 3 июлдаги 412-F/5-сонли Фармойиши талабларининг ижросини кўриб чиқиш.

\*\*\*\*\*

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти директори Н. Даминов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 май санасида қабул қилинган ЎРҚ-370-сонли “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони

ва шахсий таркиби кузатув кенгаши тавсияси билан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши томонидан тасдиқланиши белгилаб қўйилганлигини айтиб ўтди.

“Ўзмилийбанк” АЖ кузатув кенгашининг 2023 йил 26 майдаги 25 - сонли йиғилиш баёнида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши санок комиссияси таркиби қуйидагича таклиф этилган:

1. Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти Корпоратив бошқарув хизмати менеджери Баҳромов Алижон Акбарович;
2. Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти Портфель инвестицияларни бошқариш бўлими менеджер асистенти Хабибуллаев Акбар Камолиддин ўғли;
3. Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти Лойиҳаларни амалга ошириш ва мониторинг қилиш бўлими бош мутахассиси Юсупов Муҳаммаджон Алижон ўғли.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди

1. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши санок комиссияси таркиби қуйидагича тасдиқлансин:

1. Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти Корпоратив бошқарув хизмати менеджери Баҳромов Алижон Акбарович;
2. Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти Портфель инвестицияларни бошқариш бўлими менеджер асистенти Хабибуллаев Акбар Камолиддин ўғли;
3. Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти Лойиҳаларни амалга ошириш ва мониторинг қилиш бўлими бош мутахассиси Юсупов Муҳаммаджон Алижон ўғли.

**Овоз берилди: 15 476 078 265 овоз.**

**“Ёқлайман” – 15 476 078 265 та овоз, “Қаршиман” – 0 та овоз, “Бетарафман” – 0 та овоз.**

\*\*\*\*\*

Кун тартибидаги **иккинчи масала** юзасидан Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти директори Н.Даминов кун тартибига киритилган масала бўйича ахборот бериш, музокараларда сўзга чиқиш, овоз бериш учун қуйидаги регламент ўрнатилишини таклиф этди:

- маърузалар бўйича муҳокамага – 20 дақиқагача;

- кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқишга – 15 дақиқагача;
- кун тартибидаги масала бўйича овоз бериш учун – 10 дақиқагача.

Кун тартибига киритилган масала бўйича овоз бериш тартиби ҳам белгиланиб олинди.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун кўйидаги қарор матни овозга қўйилди

2. “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламенти қўйидагича тасдиқлансин:

- маърузалар бўйича муҳокамага – 20 дақиқагача;
- кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқишга – 15 дақиқагача;
- кун тартибидаги масала бўйича овоз бериш учун – 10 дақиқагача.

**Овоз берилди: 15 476 078 265 овоз.**

**“Ёқлайман” – 15 476 078 265 та овоз, “Қаршиман” – 0 та овоз, “Бетарафман” – 0 та овоз.**

\*\*\*\*\*

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий менежмент департаменти директори-Бош бухгалтер Ф.Қодиров сўзга чиқиб, 2023 йил якунлари бўйича Бизнес-режа кўрсаткичлари ижроси бўйича маълумот берди, жумладан қўйидагиларни маълум қилди.

2023 йилнинг якунлари бўйича “Ўзмилийбанк” АЖ томонидан 1 716,5 млрд. сўм соф фойда олинди ҳамда режа кўрсаткичи (1 604,2 млрд сўм) 107 фоизга бажарилди.

Ҳисобот санасига активларнинг рентабеллиги (ROA) – 1,9 фоизни, Капитал рентабеллиги (ROE) 9,9 фоизни таъкил қилди. Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банки талаблари бўйича барча мажбурий стандартларга амал қилиниб, капиталнинг етарлилик коэффициенти 20 фоизни, Леваж – 11 фоизни ҳамда ликвидликни қоплаш коэффициент -106 фоизни таъкил этди.

2024 йил 1 январ ҳолатига банк (соф) активлари 127 502,9 млрд сўмни таъкил этди ва режа кўрсаткичи (115 496,3 млрд сўм) 110 фоизга бажарилди.

Банк кредит портфелининг умумий ҳажми 99 423,3 млрд сўмдан иборат бўлиб белгиланган режа (93 255,0 млрд.сўм) 107 фоизга бажарилди. Шунинг таъкидлаб ўтиш жоизки кредит портфелининг ҳақиқий ҳажми йил бошига нисбатан 111 фоизга ошди.

Кредит портфелининг энг катта ҳажмини хорижий валютада берилган кредитлар эгаллайди. 2023 йил якунларига кўра хорижий валютада берилган кредитлар жами

кредит портфелининг 66 фоизни яки 5 284,7 млн АҚШ доллорини ташкил этади. Йил якунларига кўра хорижий валютадаги кредитлар бўйича режа 96 фоизга бажарилди. Миллий валютадаги кредитларнинг умумий кредит портфелидаги улуши 34 фоизни ташкил этиб, ҳисобот даври якунига кўра уларнинг миқдори 34 216,8 млрд сўмни ташкил этади.

Ҳисобот даврига банк депозитлари умумий ҳажми 32 909,1 млрд сўмни ташкил этди ва режа қурсаткичи (27 652,4 млрд сўм) 119 фоизга бажарилди.

“Ўзмиллийбанк” АЖ капиталининг умумий ҳажми 2023 йил якунларига кўра 17 848,7 млрд сўмни ташкил этиб режа кўрсаткичи (17 914,7 млрд сўм) 99,6 фоизга бажарилган.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қўйидаги қарор матни овозга қўйилди

3. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг 2023 йил якунлари бўйича Бизнес-режа бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлансин.

**Овоз берилди: 15 476 078 265 овоз.**

**“Ёқлайман” – 15 476 078 265 та овоз, “Қаршиман” – 0 та овоз, “Бетарафман” – 0 та овоз.**

\*\*\*\*\*

Кун тартибидаги **тўртинчи масала** юзасидан Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий менежмент департаменти директори-Бош бухгалтер Ф.Қодиров қуйидагиларни маълум қилди.

“Deloitte & Touche” халқаро аудиторлик ташкилоти томонидан, “Ўзмиллийбанк” АЖ нинг 2023 йил якунлари бўйича МҲХСга мувофиқ тайёрланган консолидацияланган молиявий ҳисоботлари аудит текширувидан ўтказилди.

2023 йил якунларига кўра Банк Гуруҳнинг **активлари 126,4 трлн. сўмни** ташкил этиб, йил бошига нисбатан **5,2 трлн. сумга ўсган** (4,3 фоиз ўсиш). Кредит портфели Банк Гуруҳнинг активлари орасида асосий вазнга ега бўлиб, 74,9 фоизни ташкил қилади.

2023 йил якунларига кўра **кредит портфели 94,7 трлн. сўмни** ташкил этиб, йил бошига нисбатан **9,1 трлн. сўмга ўсди** (10,6 фоиз ўсиш).

**Қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар 7,1 трлн. сўмни** ташкил этиб, йил бошига нисбатан **5,4 трлн. сўмга ўсди** (308,8 фоиз ўсиш). Ўсиш Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий ва Молия вазирлиги томонидан эмиссия қилинган 500 млн АҚШ доллари миқдоридаги давлат облигацияларини 2025 йилгача бўлган муддатга сотиб олиш билан боғлиқ.

2023 йил якунларига кўра **Банк Гуруҳнинг мажбуриятлари 108,0 трлн. сўмни** ташкил этиб, йил бошига нисбатан улар **3,1 трлн. сумга ўсган (3,0 фоиз ўсиш)**.

2023 йилда **молия институтларидан олинган қарз маблағлари** (кредит линиялари) ҳажми **11,6 трлн. сўмга ўсган (26,6 фоиз ўсиш)** ва **55,4 трлн. сўмни** ташкил этди.

**Мижозларнинг депозитлари 4,9 трлн. сўмга** камайган (-12,8 фоиз) ва **33,9 трлн. сўмни** ташкил этди.

**Банк капитали 2,0 трлн. сўмга ёки 12,5 фоиз ўсди** ва **18,4 трлн. сўмни** ташкил этди.

Шу жумладан банк устав капитали – 15,4 трлн. сўмни, тақсимланмаган фойда-2,6 трлн. сўмни ташкил этади.

**Банк Гуруҳнинг фойда ва зарарлар** тўғрисидаги ҳисоботнинг асосий кўрсаткичлари қуйидагича:

**фоизли даромадлар 10,6 трлн. сўмни** ташкил этиб, кредит портфелининг ҳажми ва ўргача фоиз ставкаларининг ўсишига боғлиқ. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан **1,9 трлн. сўмга ўсган (21,7 фоиз ўсиш)**;

**фоизли харажатлар 5,1 трлн. сўмни** ташкил этиб. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан **1,6 трлн. сўмга ўсган (46,9 фоиз ўсиш)**;

Банк Гуруҳнинг **соф фоизли даромади 5,5 трлн. сўмни** ташкил этиб. Ўтган йилга нисбатан **274 млрд сўмга ўсган (5,2 фоиз ўсиш)**;

**комиссион даромадлар 814 млрд. сўмни** ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан **229 млрд. сўмга кўпроқ (39,1 фоиз ўсиш)**;

**комиссион харажатлар 199 млрд. сўмни** ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан **42 млрд. сўмга кўпроқ (26,8 фоиз ўсиш)**;

Банк Гуруҳнинг **соф комиссион даромади 615 млрд. сўмни** ташкил этиб, нақд пул ва ҳисоб-китоб хизматлари (*расчетно-кассового обслуживания*), халқаро пул ўтказмалари ва пластик карталар билан боғлиқ операциялардан тушган даромадларнинг ўсиши ҳисобидан. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан **187 млрд. сўмга ошган (43,7 фоиз ўсиш)**;

2023 йилда **соф фойда 2,3 трлн. сўмни** ташкил этган.

"Ўзмиллийбанк" АЖ нинг 2023 йил учун **асосий самарадорлик кўрсаткичлари** берилган, шу жумладан:

Активларнинг рентабеллиги (**ROA**) **2,0** фоизни ташкил этди.

Капиталнинг рентабеллиги (**ROE**) **13,3** фоизни ташкил этди.

Банкнинг операцион самарадорлик кўрсаткичи (**CIR**) **31,2** фоизни ташкил этди.

Банкнинг муаммоли кредитларининг улуши (**NPL 90+**) **4,5** фоизни ташкил қилади.

“Deloitte & Touche” томонидан, 2023 йил 31 декабр ҳолатига кўра Банкнинг молиявий ҳолати барча муҳим жихатларда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ ақс еттирилганлиги юзасидан **ижобий хулоса** тақдим этилган.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун кўйидаги қарор матни овозга кўйилди

4. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти Банк гуруҳининг 2023 йил молиявий-хўжалик фаолияти натижалари бўйича консолидацияланган йиллик ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлансин.

**Овоз берилди: 15 476 078 265 овоз.**

**“Ёқлайман” – 15 476 078 265 та овоз, “Қаршиман” – 0 та овоз, “Бетарафман” – 0 та овоз.**

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан Кузатув кенгаши аъзоси М.Д.Норгитов маълумот берди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг Кузатув кенгаши бошқарув органи ҳисобланиб, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 75-моддасига мувофиқ ваколат доирасига кўйидаги вазифалар киради:

- жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб бориш, жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақиритиш, акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тасдиқлаш;
- жамиятнинг бошқарув аъзоларини тайинлаш, уларга тўланадиган иш хақи миқдорини белгилаш тартибини тасдиқлаш, бошқарув аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режасини жамият Кузатув кенгашида кўриб чиқиш;
- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш ва афилланган шахслар билан тузиладиган битимлар руйхатини тасдиқлаш ва бошқа масалалар киради.

2024 йил 11 мартдаги 23 – сонли “Ўзмилийбанк” АЖнинг навбатдан ташқари акциядорларнинг умумий йиғилишида Кузатув кенгашининг аъзоларининг кўйидаги таркиби сайланган:

- Қудратов Лазиз Шавкатович - Ўзбекистон Республикаси инвестициялар, саноат ва савдо вазири;

- Мирзаев Мубин Мухитдинович – Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат солиқ кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари;
- Рахимова Гулнора Хашимовна - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий ва молия вазирининг ўринбосари;
- Норгитов Мухитдин Журабоевич - Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси юридик хизмати бошлиғи;
- Мухамедов Шерзод Дилмуратович - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий ва молия вазирлиги Денаргаменти директори;
- Муминов Абдуазиз Субхутдинович - Мустақил аъзо;
- Стьюарт Лоусон - Мустақил аъзо.

2023 йил ҳисобот даврида “Ўзмиллийбанк” АЖ да **71 та** Кузатув кенгаши йиғилиши, **3 та** навбатдан тапқари акциядорларнинг умумий йиғилиши, **1 та** йиллик умумий акциядорлар йиғилиши ўтказилган.

Ўтказилган **71 та** Кузатув кенгаши йиғилишида, кенгаш аъзоларининг умумий иштироки **100** фоизни ташкил этди. Ушбу йиғилишларда “Ўзмиллийбанк” АЖ стратегик ривожланиш, корпоратив бошқарув, аудит ва назорат, молия ва иқтисод, чорак якунлари бўйича бошқарув, аудит ва таввакалчилик бўйича ҳисоботлар, кредитларни ажратиш, посоҳавий активларни тошшириш, устав капиталини ошириш, банкнинг уставига ва низомига ўзгартириш киритиш ва бошқа соҳаларга оид масалалар кўриб чиқилган ва тегишли қарорлар қабул қилинган.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қўйидаги қарор матни овозга қўйилди

**5.** “Ўзбекистон Республикаси Тапқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг 2023 йил якунлари бўйича кузатув кенгашининг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлансин.

**Овоз берилди: 15 476 078 265 овоз.**

**“Ёқлайман” – 15 476 078 265 та овоз, “Қаршиман” – 0 та овоз, “Бетарафман” – 0 та овоз.**

\*\*\*\*\*

Кун тартибидаги *олтинчи масала* юзасидан Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий менежмент денаргаменти директори-Бош бухгалтер Ф.Қодиров маълумот берди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонунининг 59 – моддасига мувофиқ, жамиятнинг фойдасини тақсимлаш акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киради.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни талабларидан келиб чиқиб ва кузатув

кенгаши тавсиясига кўра, банкнинг **2023 йил якунлари** бўйича олинган соф фойдасини қуйидагича тақсимлаш таклиф этилди:

<b>2023 - йил якунлари бўйича соф фойда</b>	<b>1 716 547 470 930,28</b>
<b>Мажбурий ажратмалар, жумладан:</b>	
Умумий мақсадли захира фондини шакллантиришга (соф фойданинг 5%)	85 827 373 546,51
Ажратмалардан кейин 2023 - йил якунлари бўйича соф фойда	<b>1 630 720 097 383,77</b>
<b>Соф фойданинг тақсимланиши:</b>	
Ажратмалардан кейинги 50% соф фойдани акциядорларга дивиденд шаклида чиқариладиган акцияларни сотиб олиш учун тўлансин ( <i>қўшимча акциялар чиқариши орқали</i> ), солиқ тўловларини ҳисобга олган ҳолда	<b>815 360 048 691,88</b>
Ажратмалардан кейинги 50% соф фойда қуйидаги тартибда тақсимланади:	<b>815 360048 691,88</b>
1. Вазирлар Маҳкамаси фармойишига мувофиқ юридик хизматлар харажатларини қоплашга ( <i>солиқ тўловларини ҳисобга олган ҳолда</i> )	21 842 452 258,81
2. Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига асосан тиббиёт мажмуасини қурилишини молиялаштириш харажатларини қоплашга ( <i>солиқ тўловларини ҳисобга олган ҳолда</i> )	180 616 182 435,79
3. Акциядорларга, уларнинг улушига мос равишда, пўл маблағлари кўринишида дивиденд тўлаш учун ( <i>солиқ тўловларини ҳисобга олган ҳолда</i> )	239 155 596 915,27
4. Банкнинг тақсимланмаган фойда ҳисоб рақамида қолдириш	373 745 817 082,01

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди

**6. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки”** акциядорлик жамиятининг **2023 йил** якунлари бўйича олинган **1 716 547 470 930,28** сўм соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

- Умумий мақсадли захира фондини шакллантиришга (соф фойданинг 5%) – **85 827 373 546,51 сўм;**

- Ажратмалардан кейинги 50 фоиз соф фойдани банк устав капиталини акциядорлар улушини оширишга (*қўшимча акциялар чиқариши орқали*) йўналтирилишига, солиқ тўловларини ҳисобга олган ҳолда - **815 360 048 691,88 сўм;**

Ажратмалардан кейинги 50 фоиз соф фойда қуйидаги тартибда тақсимланади- **815 360 048 691,88 сўм:**

- Вазирлар Маҳкамаси фармойишига мувофиқ юридик хизматлар харажатларини қоплашга (*солиқ тўловларини ҳисобга олган ҳолда*) - **21 842 452 258,81 сўм;**

- Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига асосан тиббиёт мажмуасини қурилишини молиялаштириш харажатларини қоплашга (*солиқ тўловларини ҳисобга олган ҳолда*) - **180 616 182 435,79 сўм**;

- Акциядорларга, уларнинг улушига мос равишда, пўл маблағлари кўринишида дивиденд тўлаш учун (*солиқ тўловларини ҳисобга олган ҳолда*) - **239 155 596 915,27 сўм**

Бунда Солиқ тўловлари учун **11 957 779 845,76 сўм**;

Иқтисодиёт ва Молия Вазирлигига -**92 522 384 682,48 сўм**;

Тикланиш ва Тараққиёт жамғармасига- **134 675 432 387,03 сўм** йўналтирилади.

Дивиденд тўлаш муддати мазкур қарор қабул қилинган кундан бошлаб 60 кун ичида амалга оширилади.

Банкнинг тақсимланмаган фойда ҳисоб рақамида қолдириш – **373 745 817 082,01 сўм**.

**Овоз берилди: 15 476 078 265 овоз.**

“Ёқлайман” – 15 476 078 265 та овоз, “Қаршиман” – 0 та овоз, “Бетарафман” – 0 та овоз.

Кун тартибидаги *еттинчи масала* юзасидан Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий менежмент департаменти директори-Бош бухгалтер Ф.Қодиров қуйидагиларни маълум қилди.

Кун тартибининг олтинчи масаласида **815 360 048 691,88** (*саккиз юз ўн беш миллиард уч юз олтинчи миллион қирқ саккиз минг олти юз тўқсон бир*) 88 тийин Банк устав капиталини акциядорлар улушини оширишга (*қўшимча акциялар чиқариш орқали*) йўналтирилиш бўйича қарор қабул қилинганлигини муносабати билан қуйидагича қарор қабул қилиш таклиф этилди:

**815 360 049 728,03** сўм акциядорларга дивиденд шаклида чиқариладиган акцияларни сотиб олиш учун тўлансин (**1 036,15** сўм олдинги чиқарилишдан қолган қолдиқ қўшилган);

- **40 768 002 434,59** сўм тегишли солиқ тўловларига йўналтирилсин;

- **293,44** сўм кейинги акция чиқарилишида тақсимланиши учун қолдирилсин.

“Ўзмиллийбанк” АЖнинг номинал қиймати **1 000** (*бир минг*) сўм бўлган **774 592 047** дона умумий қиймати **774 592 047 000,00** сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз шаклдаги қўшимча акциялари чиқарилсин.

“Ўзмиллийбанк” АЖнинг қўшимча чиқарилаётган акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари қуйидагича белгилансин:

- ушбу чиқарилишдаги акциялар ёпиқ обуна орқали 2024 йил 10 июн ҳолатига шакллантирилган реестрдаги акциядорлар улушларига асосан, яъни қуйидаги тартибда жойлаштирилади:

- Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига **459 152 822** дона;

- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий ва молия Вазирлигига **315 439 225** дона.

- ушбу чиқарилишдаги акциялар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 60 (*олтмиш*) кун давомида биржадан ташқари уюлмаган қимматли қоғозлар бозорида тўғридан тўғри фуқаролик – ҳуқуқий битимлар тузиш орқали жойлаштирилади;

- ушбу чиқарилишдаги акциялар **1000** (*бир минг*) сўмдан жойлаштирилади;

- ушбу чиқарилишдаги акциялар учун тўлов банкнинг 2023 йил якунлари бўйича соф фойдасининг дивидендга йўналтирилган қисми ҳисобидан амалга оширилади;

- ушбу чиқарилиш амалга олмаган деб топилган тақдирда, акциялар учун қабул қилинган тўлов воситалари ушбу чиқарилиш амалга олмаган деб топилган кундан бошлаб 10 (*ўн*) кун давомида қайтарилади.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қўйидаги қарор матни овозга қўйилди

**815 360 049 728,03** сўм акциядорларга дивиденд шаклида чиқариладиган акцияларни сотиб олиш учун тўлансин (**1 036,15** сўм олдинги чиқарилишдан қолган қолдиқ қўшилган);

- **40 768 002 434,59** сўм тегишли солиқ тўловларига йўналтирилсин;

- **293,44** сўм кейинги акция чиқарилишида тақсимланиши учун қолдирилсин.

“Ўзмиллийбанк” АЖнинг номинал қиймати **1 000** (*бир минг*) сўм бўлган **774 592 047** дона умумий қиймати **774 592 047 000,00** сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз шаклдаги қўшимча акциялари чиқарилсин.

“Ўзмиллийбанк” АЖнинг қўшимча чиқарилаётган акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари қўйидагича белгилансин:

- ушбу чиқарилишдаги акциялар ёниқ обуна орқали 2024 йил 10 июн ҳолатига шакллантирилган реестрдаги акциядорлар улусларига асосан, яъни қўйидаги тартибда жойлаштирилади:

- Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига **459 152 822** дона;

- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий ва молия Вазирлигига **315 439 225** дона.

- ушбу чиқарилишдаги акциялар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 60 (*олтмиш*) кун давомида биржадан ташқари уюлмаган қимматли қоғозлар бозорида тўғридан тўғри фуқаролик – ҳуқуқий битимлар тузиш орқали жойлаштирилади;

- ушбу чиқарилишдаги акциялар **1000** (*бир минг*) сўмдан жойлаштирилади;

- ушбу чиқарилишдаги акциялар учун тўлов банкнинг 2023 йил якунлари бўйича соф фойдасининг дивидендга йўналтирилган қисми ҳисобидан амалга оширилади;
- ушбу чиқарилиш амалга олмаган деб тошилган тақдирда, акциялар учун қабул қилинган тўлов воситалари ушбу чиқарилиш амалга олмаган деб тошилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун давомида қайтарилади.

Қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор матни иловага мувофиқ тасдиқлансин ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти Кенгаши аъзоси М.Норғитовга ушбу қарор матнини тасдиқлаш ваколати берилсин.

**Овоз берилди: 15 476 078 265 овоз.**

**“Ёқлайман” – 15 476 078 265 та овоз, “Қаршиман” – 0 та овоз, “Бетарафман” – 0 та овоз.**

Кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти директори Н.Даминов маълумот берди.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонунига мувофиқ:

Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан оширилиши мумкин.

Қўшимча акциялар фақат жамият уставида белгиланган, эълон қилинган акцияларнинг сони доирасида жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ҳамда шартлари белгиланган бўлиши керак.

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда жамият уставида кўрсатилган, эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига камайтилиши керак.

Жамиятнинг тегишли бошқарув органи томонидан қабул қилинган қўшимча акцияларни чиқариш ҳақидаги қарор жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

2023 йил учун молиявий хўжалик фаолияти натижаларига кўра **774 592 047 000,00** сўм миқдоридаги соф фойдасини кўшимча акциялар чиқариш орқали устав жамғармасини оширишга йўналтирилганлигини инобатга олиб, “Ўзмилийбанк” АЖ уставига тегишли ўзгартиришлар киритилиши кераклигини таъкидлаб ўтилди.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун кўйидаги қарор матни овозга кўйилди

8. “Ўзмилийбанк” АЖнинг 2023 йил учун молиявий хўжалик фаолияти натижаларига кўра **774 592 047 000,00** сўм миқдоридаги соф фойдасини кўшимча акция чиқарилганлиги туфайли устав капитални ўрнатилган тартибда оширилсин.

**Овоз берилди: 15 476 078 265 овоз.**

**“Ёқлайман” – 15 476 078 265 та овоз, “Қаршиман” – 0 та овоз, “Бетарафман” – 0 та овоз.**

Кун тартибидаги тўққизинчи масала юзасидан Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти директори Н.Даминов маълумот берди.

“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг 2019 йил 25 декабрдаги 1-сонли акциядорларнинг йиғилиши баёни билан тасдиқланган Корпоратив Бошқарув кодексига мувофиқ кодекс тавсияларини жорий этиш мониторингини амалга ошириш учун Банк корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказди, баҳолашни амалга ошириш учун мустақил ташкилотни жалб қилиш тавсия этилади. Банкда корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш йилига камида бир марта ўтказилади. Банкда корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш Банкга мулкрий муносабат орқали боғлиқ бўлмаган ташкилот билан тегишли шартнома асосида амалга оширилади.

Корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш учун мустақил ташкилотни танлаш Банк кузатув кенгашининг қарори бўйича танлов асосида ўтказилади. Банкда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари Банк сайтида мазкур баҳолашни ўтказган ташкилот хулосаси билан биргаликда эълон қилинади.

Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ танлов асосида ва банк 2024 йил 16 февралдаги кузатув кенгашининг қарорига мувофиқ “Winvestment Consult” МЧЖ аудиторлик корхонаси билан ўрнатилган тартибда шартнома тузилди.

“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш тасдиқланган сўровнома асосида 2023 йил якунлари бўйича ўтказилди.

“Winvestment Consult” МЧЖ аудиторлик корхонаси томонидан баҳолаш натижаларига кўра хулоса ва ҳисобот тақдим этилди. 2024 йил 26 апрелдаги хулосасига мувофиқ “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг 2024 йил натижалари бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳоси юқори яъни 940 баллини (78 %) ташкил этди.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун кўйидаги қарор матни овозга кўйилди

9. «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» акциядорлик жамиятининг “Winvestment Consult” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан 2023 йил якунлари бўйича ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлансин.

9.1 «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» акциядорлик жамиятининг “Winvestment Consult” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан 2023 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари "юқори" бўлганлиги муносабати билан кузатув кенгаши аъзоларига ўрнатилган тартибда мукофот тўлансин.

**Овоз берилди: 15 476 078 265 овоз.**

**“Ёқлайман” – 15 476 078 265 та овоз, “Қаршиман” – 0 та овоз, “Бетарафман” – 0 та овоз.**

Кун тартибидаги ўнинчи масала юзасидан Ходимлар билан ишлаш департаменти директори Ж. Мейлиев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Банклар ва банклар гуруҳларининг таваккалчиликларини бошқариш тизимига доир талаблар тўғрисидаги” Низоми (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 18 апрелда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 3427) ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонунига (03.07.2023 йилдаги ЎРҚ-850-сон) асосан банк Кузатув кенгаши таваккалчилик бўлинимасини ва компания таваккалчилигини бошқаришга масъул таркибий бўлинимани ташкил этиши ҳамда уларнинг мустақиллигини таъминлаши лозимлиги таъкидлаб ўтилганлигини ҳамда ушбу масала дастлаб жорий йилнинг 6 апрел санасидаги 20-сонли кузатув кенгашининг йиғилиши баёнида кўриб чиқилганлиги айтиб ўтди.

“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти “Компласенс таваккалчилиги блоки” ташкил этилганлиги муносабати билан банкнинг ташкилий тузилмасига (структурасига) ўзгартириш киритиш лозимлиги таъкидланди.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қўйидаги қарор матни овозга қўйилди

10. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти “Компласенс таваккалчилиги блоки” ташкил этилганлиги муносабати билан банкнинг ташкилий тузилмасига (структурасига) иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

**Овоз берилди: 15 476 078 265 овоз.**

**“Ёқлайман” – 15 476 078 265 та овоз, “Қаршиман” – 0 та овоз, “Бетарафман” – 0 та овоз.**

Кун тартибидаги *ўн биринчи масала* юзасидан Лойиҳаларни молиялаш маркази директори Б. Мирдовидов қўйидагиларни маълум қилди.

2021 йил 21 декабрда “Ўзмилийбанк” АЖ ва “Euvalek-Technology” МЧЖ ўртасида тузилган кредит шартномаларига асосан, банк томонидан “Euvalek-Technology” МЧЖга жами 350 млрд.сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилган, шундан:

- 162,5 млрд. сўм корхонанинг Хива шаҳридаги “Farovon” меҳмонхонаси мажмуасини қуриш учун Ипотекабанк” АТИБдан жалб қилинган кредит бўйича талаб қилиш ҳуқуқини сотиб олишга;

- 187,5 млрд. сўм “Euvalek-Technology” МЧЖ айланма маблағларини шакллантириш учун кредит маблағлари ажратилган.

Кредит таъминоти сифатида “VERITAS” МЧЖ мустақил баҳоловчи компанияси томонидан (лицензия рақами №RR 0189 28.08.2014 йилда берилган) 629,79 млрд.сўм бозор қийматида баҳоланган “Farovon” меҳмонхонаси мажмуаси банк томонидан 437,5 млрд.сўмга қабул қилинган.

Такидлаш лозимки, ишлал маҳсулотларини ишлаб чиқариш “Euvalek Technology” МЧЖнинг асосий фаолияти ҳисобланиб, ушбу маҳсулотлар “Ўзбекистон темир йўллари” АЖга доимий равишда реализация қилинган ва асосий даромад ушбу маҳсулотларни сотишдан шакллانган. Ўз навбатида, меҳмонхона томонидан кўрсатилган хизмат ҳисобидан шаклланган даромадлар етарли бўлмаганлиги сабабли кредит бўйича тўловлар ишлал маҳсулотларини сотишдан тушган тушум ҳисобидан сўндирилиб келинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги “Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-168-сон қарорига

асосан 2022 йил октябрь ойида Жамият устав капиталидаги “Ўзбекистон темир йўллари” АЖга тегишли улуш хусусийлаштириш учун Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказилган ва корхона томонидан ишлаб чиқарилган шпал маҳсулотларига бўлган талаб кескин кискарган.

Натижада, корхонанинг молиявий аҳволи кескин ёмонлашиб, кредит тўлов қобилияти сезиларли даражада пасайган ҳамда 2022 йил декабрь ойидан бошлаб, муаммоли кредит қарздорлигининг вужудга келишига олиб келинган.

Кейинчалик, Хоразм вилоятининг Хива шаҳрида барпо этилган тўрт юлдузли “Farovon” меҳмонхона мажмуасидан келгусида самарали фойдаланиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2023 йил 3 июлда 412-Ф/5-сонли фармойиш қабул қилинган бўлиб, унда қуйидаги тошшириқлар берилган:

- “Euvalek Technology” МЧЖга тегишли бўлган Хоразм вилояти Хива шаҳрида жойлашган “Фаровон” меҳмонхона мажмуасини (кейинчалик - Объект) корхонанинг “Ўзмиллийбанк” АЖ олдидаги кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар бўйича жами қарздорликни сўндириш хисобидан, ушбу қарздорликларнинг қолдиқ қийматида “Ўзмиллийбанк” АЖнинг балансига ўтказиб бериш;

- Хоразм вилояти, Хива шаҳрида жойлашган “Farovon” меҳмонхона мажмуаси “NBU Invest Group” АЖга балансига унинг устав фондидаги “Ўзмиллийбанк” АЖ улушини ошириш ҳисобига Банкка қабул қилинган қийматда (ҚҚСни инобатга олган ҳолда), кейинчалик ушбу объект “NBU Invest Group” АЖ томонидан объект негизида ташкил этиладиган янги корхона балансига унинг устав фондиди шакллантириш ҳисобига Компанияга қабул қилинган қийматда (ҚҚСни инобатга олган ҳолда) ўтказиш шарти билан берилсин.

- “NBU Invest Group” АЖ устав фондидаги “Ўзмиллийбанк” АЖ улуши “Farovon” меҳмонхонаси мажмуасининг “NBU Invest Group” АЖ балансига бериладиган қийматда оширилсин.

- Давактив агентлиги, Жамият, “Ўзмиллийбанк” АЖ билан биргаликда бир ҳафта муддатда объект (таркибидаги мол-мулкларнинг рўйхатини шакллантирган ҳолда) белгиланган тартибда тошширилиши ва қабул қилинишини таъминлаш;

- “Ўзмиллийбанк” АЖга, истисно тариқасида Жамиятнинг “Ўзмиллийбанк” АЖ олдидаги кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорликларига жарималар (пенялар) ҳисоблаш амалиётини татбиқ этмаслик ва бугунги кунга қадар ҳисобланган жарималарни бекор қилиш масалаларини банк бошқарув органи йиғилишларида кўриб чиқиш тавсия этилган.

2023 йил 3 июль ҳолатига (Фармойиш қабул қилинган кунда), “Euvalek Technology” МЧЖнинг “Ўзмиллийбанк” АЖ олдидаги ажратилган кредитлар бўйича жами қарздорлиги 422 660 486 658,60 сўмни ташкил қилади, шундан:

- Муддатли асосий қарз – 287 335 357 808,0 сўм;
- Ҳисобланган фоизлар – 2 479 743 498,89 сўм;
- Муддати ўтган асосий қарз – 62 500 000 000,00 сўм;
- Муддати ўтган фоизлар – 50 184 141 053,70 сўм;
- Муддати ўтган қарздорликка ҳисобланган фоизлар (пеня) – 20 161 244 298,01 сўм;

2023 йил 10 августда “Euvalek Technology” МЧЖга тегишли бўлган Хоразм вилояти Хива шаҳрида жойлашган “Фаровон” меҳмонхона мажмуаси корхонанинг жами 402 499 242 360,59 сўм миқдоридagi кредит қарздорлигини қисман сўндириш ҳисобидан “Ўзмиллийбанк” АЖ балансига қабул қилинган.

Бугунги кунда, кредит бўйича қопланмаган қарздорлик (муддати ўтган қарздорликка ҳисобланган фоизлар (пеня)) 20 161 244 298,01 сўмни ташкил қилади.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун кўйидаги қарор матни овозга кўйилди

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 3 июлдаги 412-Ф/5-сонли фармойиши билан берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида, Банк Кузатув кенгашининг 2024 йил 28 февралдаги 10-сонли йиғилиш баёнининг қарори тасдиқлансин.

“Ўзмиллийбанк “ АЖ Кузатув кенгашининг 2024 йил 28 февралдаги 10-сонли йиғилиш баёнининг қарорини ижросини таъминлаш Банк Бошқаруви зиммасига юклатилсин.

**Овоз берилди: 15 476 078 265 овоз.**

**“Ёқлайман” – 15 476 078 265 та овоз, “Қаршиман” – 0 та овоз, “Бетарафман” – 0 та овоз.**

“Ўзмиллийбанк” АЖ

акциядорларининг умумий йиғилиши раиси



М.Ж. Норгитов

Йиғилиш котиби,

Корпоратив бошқарув хизмати бошлиғи



Т.Б. Файзиёв